ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 72-73 (625-626)
2022 йил 1 сентябрь, пайшанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



# МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН ДОИМО ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

**“Янги Ўзбекистон” боғида давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган байрам шодиёнаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни бу улуғ айём билан табриклади.**

– Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида “Ўзбекистон Республикаси” деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди. Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик. Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Иншооллоҳ, шундай бўлгай. Чунки эрксевар халқимиз учун бу байрам жуда қадрли. Мустақиллика не-не жафолардан сўнг, сабр-матонат билан эришилди. Меҳнат, машаққатлар билан йилдан-йилга мустаҳкамланди. Бугун Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз бўлди. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил асосий талабга айланди.

3-бет

# ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЎЗ ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТДИР

**Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди. Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.**

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар қатағон қурбонларини ёд этиш учун йиғилди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақига дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Ватанимиз фидойиларини айнан Мустақиллик байрами кунларида ёд этишда катта маъно бор. Бу халққа хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини, эл-юртимиз озодлиги ва тинчлиги қадрини яна бир бор англатади.

2001 йилдан буён 31 август “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” сифатида нишонлаб келинмоқда. Жадид боболаримизнинг руҳларини шод этиш, ҳаёти ва меросини ўрганишга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган йили “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи реконструкция қилинган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда унинг филиаллари очилди.

Бу йил музейда жадид талабалар Германияга ўқишга юборилганининг 100 йиллигига бағишланган экспозиция ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари музейга кириб, мазкур кўргазма билан танишди.

– Бу ерга ҳар гал келиб, эътибор беришимиз бежиз эмас. Мустақилликка эришиш осон бўлмаган. Истиқлолимизга 31 йил бўлгани билан боболаримиз 100 йиллар олдин бунга ҳаракат қилган. 100 минг ватандошимиз қатағонга учраб, 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Нима учун? Чунки улар энг катта қаҳрамонларимиз, миллатнинг хазинаси бўлган. 2-3 тадан тил билган. Ватанимизни озод қилиб, тараққиётга олиб чиқишини билишган. Бу ерда худди уларнинг овозлари эшитилгандек бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шулар ҳақда сўзлар экан, Президентимиз Қуръони каримдаги оятни ёдга олди. “Оли Имрон” сурасининг 169-оятида: “Аллоҳ йўлида ҳалок бўлганларни ўлик, деб ҳисобламанг, улар тирикдир, Парвардигорлари ҳузурида ризқланишмоқда”, дея марҳамат қилинган.

Халқимиз озодлиги, ҳақиқат ва адолат йўлида ўз жонини фидо қилган шаҳид аждодларимизнинг хотираси ҳам ҳамиша барҳаётдир.

Давлатимиз раҳбари ҳали бу тарих охиригача ўрганилмагани, қатағон қурбонларини аниқлаш ва хотирасини тиклаш бўйича изланишларни давом эттириш кераклигини таъкидлади.

– Бутун дунёда бир парча қоғоз бўлсаям, қанча маблағ кетсаям, ўзбек миллатига дахлдор ҳужжатларни топинглар, деб топшириқ бергандим, – деди Президент. – Охирги йилларда яна қанча қатағон қурбонлари аниқланди. Адолат нуқтаи назаридан қаҳрамон боболаримизнинг номларини тиклаяпмиз. Ўтган бир йил ичида Ўзбекистон Олий суди томонидан 235 нафар ана шундай ватандошимиз оқланди. Жадид боболаримиз номида музейлар, мактаблар ташкил қиляпмиз. Тошкент марказида Абдулла Қодирий мактаби қуриб, ҳайкалини ўрнатдик. Нима учун? Одамлар ўтганда кўриши, “мен кимларнинг авлодиман” деб ўйлаши, асарларини билиши керак. Ёки Чўлпонни тиклаш қандай қийин бўлди? Бугун биз пастга тушинглар, халқнинг ичига боринглар, деяпмиз, халқдан куч олаяпмиз. Чўлпон ҳам шундай деган. Бундай хайрли ишларни тўхтатмаслик керак. Янги китоблар, фильмлар чиқариш зарур.

Давлатимиз раҳбари бу йўлда изланаётган заҳматкаш олимларга, зиёлиларга миннатдорлик билдирди. Жадидларнинг ҳаёти ва асарларини телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларга етказиш, мактаб дарсларида бу мавзуга кенг ўрин бериш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида маърифатпарвар боболаримизнинг маънавий меросини ўргатиш бўйича кафедра ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Маълумки, мустабид тузум фақат жадидларни йўқ қилиш билан чекланиб қолмаган. Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб ватандошларимиз турли бўҳтонлар билан қамоққа олинган, хўрланган.

– Бугун ҳам йўлда ўйланиб келяпман. 30-йилларни эски тарих деса, “пахта иши”-чи?! Етакчиларимизни қатағон қилиш учун сохта айбловлар ўйлаб чиқаришди-ку. Бошқа республикаларда йўқмиди камчилик? Бундай аламли воқеаларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Бугунгидай байрамларда, тинч-осойишта кунларда шуларни ҳам юрагимиздан ўтказиб, ёшларимизга етказишимиз керак, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Дунё нотинч бўлиб бораётгани, бундай вазиятда огоҳ ва вазмин бўлиш кераклиги қайд этилди.

– Кўраяпсизлар, дунёда рақобат, таҳдидлар кучайиб бораяпти. Хавф ёнимизда юрибди. Бунга тайёр бўлиш учун ҳамиша огоҳ бўлиш зарур. Бугунги эмин-эркин ҳаётимизга шукрона айтиш билан бирга, эртанги кунимизни мустаҳкам қилишимиз керак. Қачон мустаҳкам қиламиз? Билимли бўлсак. Агар боболаримиз буюклигидан руҳланиб, ҳар бир соҳа бўйича таълимни мукаммал қилсак, манаман деган давлатдан кам жойимиз йўқ. Болаларимизни зўр ўқитсак, натижа биз кутгандан ҳам яхши бўлади. Мустақиллигимиз барқарор ва абадий бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат этилди. Аллоҳдан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуо қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Бу мажмуа 2021 йилда, истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган эди. Унда мамлакатимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунгача бўлган энг муҳим воқеалар, буюк аллома ва жаҳонгир боболаримизнинг сиймолари акс эттирилган. Монументнинг энг юқори қисмида Ҳумо қуши тасвирланган.

“Мустақиллик монументи – она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида”, деган эди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.

**ЎзА.**

# МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи**

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, мана шу муаззам “Янги Ўзбекистон” боғида туриб, сиз, азизларни, бутун халқимизни улуғ айём – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу ва олижаноб тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида “Ўзбекистон Республикаси” деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик.

**Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади.**

Қадрли юртдошлар!

Охирги олти йил давомида биз Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида кенг қамровли ислоҳотларимизни бошлаб, изчил давом эттирмоқдамиз.

Ўтган даврда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди.

2-бет

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ БИР-БИРИНИ САМИМИЙ ТАБРИКЛАДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари шу кунларда мамлакатларимизда кенг нишонланаётган мустақиллик байрамлари муносабати билан бир-бирини дилдан қутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон – Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 30 фоизга ошди. Фаол ҳудудлараро алмашинувлар давом этмоқда, саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, транспорт алоқалари кенгаймоқда. Муҳим маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Суҳбат чоғида Давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини жорий йил сентябрь ойида ўтказишга келишиб олинди.

Транспорт ва энергетика соҳаларида минтақавий аҳамиятга молик устувор инфратузилмавий лойиҳаларни, шу жумладан, “Қамбарота-1” ГЭСини қуриш лойиҳасини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, Марказий Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ШҲТнинг бўлажак Самарқанд саммити кун тартибини муҳокама қилдилар.

**ЎзА.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№ 72-73 (625-626) 2022 йил 1 сентябрь

# МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

1-бет

Вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар, раҳбар ва мутасаддилар, умуман, барча-барчамиз, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув асосида халқимизга хизмат қилмоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор: **бугунги Ўзбекистон – бу кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуғ вазифанинг шарти ва мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил – бу демократик ислоҳотлар йўлидир.

Шу боис халқимиз манфаатига тўла жавоб берадиган **бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.** Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб борамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз учун инсон, унинг қадр-қиммати қанчалик азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқаддасдир.

Шу сабабли Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим аҳамият қаратмоқдамиз.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.

Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламиз.

Фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақа ва фестиваллар, фан олимпиадалари ва танловларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келмоқдалар.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта “Олимпия чемпиони” деган юксак шарафга сазовор бўлгани ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлайди.

Ушбу улуғ айёмда мана шундай ақлли, иродаси мустаҳкам, мард ва жасур ўғил-қизларимизни, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларини ўз номимдан, халқимиз номидан яна бир бор қутлаб, уларга янги зафар ва омадлар тилайман.

Айни вақтда мамлакатимиз ёшлари Туркияда ўтказилган Ислом бирдамлик ўйинларида, ҳарбий хизматчиларимиз эса, халқаро армия мусобақаларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганлари таҳсинга сазовордир.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Биз барча ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ташқи сиёсат юритишни давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлаймиз.

Самарали ҳамкорлик алоқаларимизни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссалари учун чин қалбдан ташаккур билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини жадал амалга оширмоқдамиз.

Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан.

Янги Ўзбекистон:

– ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

– одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган;

– тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очиқ ва адолатли жамият ҳам тушунилади.

Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бўйича ташкил этамиз.

**Биринчидан,** таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади.

Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамиз.

Устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтарамиз.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантирамиз.

**Иккинчидан**, суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди.

Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислоҳотларимизни албатта давом эттирамиз.

**Учинчидан**, дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда – сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади.

Умуман айтганда, биз қураётган Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.

Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтирилади.

Биз аҳоли ва тадбиркорларга солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш бўйича ислоҳотларни изчил давом эттирамиз. Бунда ҳеч кимга алоҳида имтиёзлар берилмайди, соғлом рақобат муҳити учун барча зарур шароитлар яратилади.

**Тўртинчидан**, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирамиз.

Барча ҳудудларда шошилинч тиббий ёрдам қамровини ошириб, уни одамларга янада яқинлаштирамиз.

Мақсадимиз – халқимиз соғлом ҳаёт кечириши ва ўртача умр кўриш даражасини узайтиришга эришиш.

**Бешинчидан**, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади.

Соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилади.

Шу билан бирга, муаммоли ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга оширамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, бундай кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда олдимизда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Лекин **ўз тарихида қанча-қанча синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир.** Мен бунга қатъий ишонаман.

Асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлган – янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қонунимизни шошилмасдан, чуқур ўйлаб, халқимиз билан маслаҳат қилиб, фақат умумхалқ референдуми асосида қабул қиламиз.

Ишончим комил, **Янги Конституциямиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.**

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Жаҳондаги бугунги мураккаб вазият биздан ишнинг кўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб, самарали меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Қуролли Кучларимизнинг қудрати ва салоҳиятини юксалтириш ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Аскар ва офицерларимизнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати, ватанпарварлик фазилатларини оширишга янада кўпроқ аҳамият берамиз.

Мана шу қутлуғ кунда Ватан ҳимоясида доимо сергак ва ҳушёр турган мард ва жасур ўғлонларимизни чин дилдан қутлаб, уларга куч-ғайрат ва омадлар тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун биз ўз олдимизга улуғвор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз.

Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ислоҳотларимизни фаол қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга чин дилдан таъзим қиламан.

Сиз, азиз юртдошларимни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# БУЮК ВА БЕТИМСОЛ



**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” газетаси
бош муҳаррири.

***Эллар тўзғиб ётар гул япроғидек,***
***Бир ён шоҳу гадо, бир ён дўст, ғаним.***
***Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек***
***Буюк ва бетимсол менинг Ватаним.***

Улуғ шоиримиз лутф этганидек, не-не эллар гул япроғидек тўзғиб ётган бу кўҳна заминда буюк ва бетимсол Ватанимиз ўз мустақиллигининг ўттиз биринчи довонида яна бир янги даврга қадам қўяётир. Истиқлол ва озодлик тушунчалари барча учун қимматли туйғуга эга хилқат.

Мустақиллик 130 йилдан кўпроқ давр мобайнида аввал чоризм, сўнгра қизил империя оёғи остида топталган Ўзбекистонни нафақат сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳурриятга олиб чиқди, айни чоғда, буюк аждодлардан мерос маънавий қадриятларни тиклашга, уларни асрлар чанг-ғуборидан поклашга, миллий тил ва маданиятни, адабиёт ва санъатни равнақ топтиришга, миллатнинг сохталаштирилган тарихини асл ҳолида тиклаб берди.

Асрий орзу-армонлари ушалган халқнинг бахти ва шодлиги фарзандлар қалбидаги буюк шижоат, миллий ғурур ва ифтихорда намоён бўлмоғи тайин. Бундан 31 йил муқаддам Ҳуррият ва озодлик ҳавосидан баҳраманд бўлган халқимиз илк кунлардан бошлаб Ватанни, она юртнинг шаҳар ва қишлоқларини обод қилишга бел боғлаб, бунёдкорликни бекиёс жараёнга айлантирди. Шу даврда асрларга менгзагулик амалга ошган ишлар кўз ўнгимизда содир бўлди. Ва бу жараённи бутун жаҳон эътироф этиб келаётир.

Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги катта зафарлар, улуғвор режалар билан кутиб олинмоқда. Шубҳасиз, ўтаётган ҳар бир йил Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичига мустаҳкам тамал тоши қўйилган ва шу йўлда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилган давр сифатида шонли тарихимиздан ўзига хос ўрин эгалламоқда.

Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари авваллари ҳам ғоят секин ва юзаки тарзда бўлган. Бироқ бугунги қурилишлар билан ўша жараён орасида ер билан осмонча фарқ бор. Масалан, ўтган асрнинг 66-йили иккинчи ярмидан бошлаб, Тошкентда юз берган зилзила туфайли шаҳарнинг ер силкинишида тутдай тўкилиб, вайрон бўлган маҳаллалари ўрнида янги уй-жойлар қурилди. Янги мавзелар тиклана бошланди. Аммо бу уйларга кўчиб ўтганлар қишда лой, ёзда эса чанг кўчалардан озор чекарди. Болалар майдончалари жиҳозланмагани катта ноқулайлик туғдирарди.

Ўша даврда қурилган уйларда ҳозир ҳам одамлар истиқомат қилаётир. Ташқи ва ички қиёфаси кўримсиз, тор, шифти паст бу уйларда тиқилиб яшаётганлар эндиликда пойтахтнинг турли туманларида қурилган замонавий лойиҳадаги уйларга кўчиб ўтишаётир. Аввало, ўша турар жойларнинг ичини ҳали кириб кўрмасдан ҳовлидаги болалар майдончаси, мавзеларга катта кўчадан ўтиб бориладиган йўллар манзарасига, яратилган ободлик ва гўзалликка боқиб, “Наҳотки, шундай уйларда яшашга муваффақ бўлдик?!” деб ҳайратдан ёқа ушлаётганлар кўплаб топилади.

Бундай чиройли уйларни собиқ мустабид тузум халқимизга раво кўрмаган эди. “Буларга бўлаверади” деган ғайри қараш мавжуд эди. Бу ҳам эндиги ёш авлоднинг мустақиллик неъматининг қадрига етиб яшаши, ўз юртига эгалик нақадар катта имконият яратишини англаб олиши учун муҳим сабоқ. Барча янги қурилишларимиз – у турар жой мавзелари ёхуд замонавий қишлоқларми, Тошкентнинг ер усти метро ҳалқа йўли ёки тўйхоналар, истироҳат боғлари, исломий мажмуалар, спорт ва маданият иншоотлари, йўл ва кўприклар ёхуд “шаҳар ичидаги шаҳар” услубидаги замонавий “сити қўрғонлар” бўладими – ҳаммасида ўз Ватанининг эгаси бўлиш бахти уфуриб турибди.

Яна бир қиёс кўз олдимизда намоён бўляпти. Собиқ тузум – қадим Туркистон халқларини бир-биридан айириб ташлаш учун минг бир ҳийла ишлатган эди. Уларнинг биттаси 1924 йилги давлат чегараларини ўтказишда амалга ошган бўлиб, беш мустақил ҳудудга бўлинган халқларнинг бир-бирлари орасига “хитой девори” яратиб, улар бошини қовуштирмаслик кўзда тутилган эди. Темир йўллар ҳам шуни назарда тутиб қурилган эдики, мустақилликнинг дастлабки йилларида бир республиканинг фуқароси иккинчи республикадаги қариндошиникига, нафақат қариндоши, ҳатто оламдан ўтган яқинлари таъзиясига ҳам боролмайдиган бўлиб қолди. Чунки чегара ва темир йўл сиёсати шундай қитмирлик билан амалга оширилган эдики, оқибатда мустақилликка эришган мамлакатлар ўзининг бирор вилоятига бормоқчи бўлса, қўшнининг еридан ўтишга мажбур эди. “Энди биз ҳам суверен давлатмиз, халқаро баҳода пул тўлайсиз”, дейиш русумга айланди. Собиқ тузум пешволари шундай қилсак, Туркистон халқлари ё бир-бирлари билан жиққамушт бўлади ёки “бизга мустақиллик бўлмас экан” деб эски бўйинтуруқни бўйинга илишга мажбур бўлади, деб ўйлашганди.





Ҳа, дастлабки йилларда жуда қийин бўлди: улар ўйлаганидек, бориш-келишларнинг йўли тўсилиб қолди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон сингари давлатлар жуда катта маблағ сарфлаб, чорак аср мобайнида ўзларининг ягона темир йўл тизимини яратишга муваффақ бўлди. Бироқ Қирғизистон ва Тожикистон яқин-яқинга қадар ҳам бу масалада жуда қийналган эди. Лекин ҳеч ким ўз мустақиллигидан воз кечмади, “ҳасса бир марта йўқотилади”, деган ақида устувор бўлди. Яқин яқингача ҳам ана шу ақида билан борига, қийинчиликларга кўниб яшалди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиеёв ташаббуси билан чегаралардаги дарвозаларни очишнинг йўли топилди. Машиналар ҳам, поездлар ҳам, самолётлар ҳам энди бирор тўсиқсиз, халқаро мезонларга амал қилган ҳолда ҳаракатланмоқда. Халқларимизнинг ўзаро борди-келдилари кўпайди. Эндиликда савдо-сотиқ, қўшма корхоналар қуриш, йирик энергетика ва транспорт коммуникацияларини ҳамкорликда барпо этиш ва улардан биргаликда фойдаланиш, қитъалараро халқаро транспорт йўлаклари очиш бўйича амалга оширилаётган ишлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун қадим Туркистон давлатлари мустақил тараққиётига кафолат сифатида қаралмоқда. Яхши қўшни ҳолидан хабар олишга имкон топилди. “Қўшнинг тинч – ўзинг тинч”, деган нақл бежиз айтилмаган. Юрт равнақида бу энг асосий омил ҳисобланади.

Албатта, бугунги қутлуғ шодиёна кунда буларни яна бир бор ёдга олмаслик мумкин эмас. Зотан, қўшнилар билан алоқаларнинг ўз измига тушганлиги, сўнгги беш йилликда қўлга киритилган энг катта ютуқлардан биридир. Тан олиш керак, сўнгги беш йиллик қардошлик алоқаларини тиклаш билан бир қаторда, мамлакатимизнинг ривожида ўзига хос туб бурилиш йиллари бўлди. Нега деганда, сўнгги 5-6 йилда қанчалик қийин бўлмасин, барча жабҳада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммо ва камчиликлар юзага чиқарилди, уларни ҳал этиш бўйича жуда кенг кўламда ислоҳотлар бошлаб юборилди. Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати, халқимизнинг бунёдкорлиги эвазига тарих учун қисқа бир даврда барча соҳаларда, энг муҳими, одамлар ҳаётида мана шу ислоҳотларнинг амалий натижалари намоён бўла бошлади. Кишилик жамиятида нимаики қилинар экан, аввало, инсон манфаатлари учун қилиниши, “Халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойил тўлақонли равишда давлат ва жамият ҳаётига чуқур сингиб кетди, олтин қоидага айланди.

Давлатимиз раҳбарининг, аввало, халқимиз манфаатларини ўйлаб юритаётган адолатли, халқчил сиёсати, юртдошларимизнинг биргаликдаги шарафли меҳнати орқали ана шу ютуқларга эришилмоқда. Сўнгги йилларда халқимиз Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улкан марралар сари дадил одимламоқда. Турли ҳудудларда қурилаётган йирик иншоотлар, қад ростлаётган муаззам иморатлар Ўзбекистоннинг нақадар юксакликка интилаётганини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти буюклигини намоён этмоқда.

Шу ўринда юртимизнинг кўркамлигига ҳисса қўшаётган қурилиш соҳаси ходимларига қаратилган эътибор хусусида алоҳида тўхталиш ўринлидир. Давлатимиз раҳбари Президентлик вазифасини бажаришга киришган илк йилданоқ қурилиш соҳасига катта эътибор қаратиб келмоқда. Юртбошимизнинг 2017 йил 7 августдаги фармони билан 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи якшанба куни “Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни” сифатида кенг нишонланиб, ютуқларга эришган соҳа ходимлари юксак мукофотлар билан тақдирланишмоқда. Ўтган беш йилда соҳада фаолият юритаётган қурилиш-пудрат ташкилотлари 23,8 мингтадан 43 мингтагача ошганини, лойиҳа ташкилотлари сони 1 000 тадан салкам 2 000 тага етганини, бажарилган қурилиш ҳажми эса 3 баробарга ортганини, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар салкам 10 мингтага етиб, улар экспорт учун ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми 2022 йил якунигача 690 млн АҚШ долларига етганини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси ана шу эътиборнинг самараси, десак муболаға бўлмайди. Бундай эътибор туфайли, сўнгги беш йилда қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг “драйвер”, яъни, етакчи йўналишига айлангани барчага аён ҳақиқатдир.

Соҳада олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида аҳоли пунктларини қуришга комплекс ёндашув, уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ҳамда маданият муассасалари, истироҳат боғлари, хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари ва спорт масканлари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг амалий тасдиғи сифатида 2022 йилги Инвестиция дастури бўйича 1 минг 868 та ижтимоий объектда кенг кўламли қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, лойиҳалари жойлардаги аҳоли билан бамаслаҳат ишлаб чиқилган “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Ушбу номдаги 29 та массивда 21 минг 312 хонадонга мўлжалланган 619 та замонавий уй-жой, шунингдек, ўнлаб янги мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари барпо этилаётганини таъкидлаш ўринлидир.

# МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН ДОИМО ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

1-бет

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда. Саноат тармоқлари ва ҳудудлар ривожи ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, кексаларнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш эътиборда. Ёшлар ва хотин-қизларнинг ўқиши, касб эгаллаши, қобилиятини юзага чиқариши учун барча шароит яратилмоқда. Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта Олимпия чемпиони бўлгани бутун халқимизни қувонтирди.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам ошиб бормоқда. Хорижий давлатлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда улкан иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини ҳам қутлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз миллий тикланиш давридан миллий юксалиш даврига ўтмоқда. 2026 йилгача бўлган Тараққиёт стратегияси амалга оширилмоқда.

Президентимиз табрик сўзида давлатимизнинг тавсифини бундай изоҳлади:

"Янги Ўзбекистон ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган, одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган, ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган, тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир".

Юртимизда бўлаётган ишларга назар ташланса, ҳақиқатда буларнинг ижобатини кўриш мумкин. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ўз нутқида бундан кейинги бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтди.

Биринчиси – таълим соҳасида энг қулай шароитлар яратиш. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади, мактаблар қуриш, устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш давом эттирилади.

Иккинчиси – суд тизимининг мустақиллигини мустаҳкамлаш. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади.

Учинчиси – тадбиркорликни ривожлантириш. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади. Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтирилади.

Тўртинчиси – соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайтирилади. Барча ҳудудларда шошилинч тиббий ёрдам қамрови оширилиб, одамларга янада яқинлаштирилади.

Бешинчиси – ичимлик суви таъминотини яхшилаш. Бунинг учун соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилади. Муаммоли ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурлар амалга оширилади.

Мард ва меҳнатсевар халқимиз кўмагида бу вазифалар самарали бажарилиши, янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиши таъкидланди.

– Бугун биз ўз олдимизга улуғвор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз, – деди Президент. – Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Давлатимиз раҳбари ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатаётган халқимизга чуқур ҳурматини изҳор этиб, эзгу тилаклар билдирди.

– Сиз, азиз юртдошларимни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман. Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин! Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин! Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин, – дея сўзини якунлади Президентимиз.

Байрам шодиёнаси катта концерт дастури билан якунланди.

Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги тантаналари барча ҳудудларда давом этмоқда.

**ЎзА.**

# Иш жараёнлари байрам тадбирларига уланди



**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Маълумки, мустақиллик арафасида қурувчилар томонидан аҳоли учун қулай ижтимоий объектларнинг фойдаланишга топширилиши одат тусига кирган. Бухоро вилоятида ҳам бу йилги байрам тадбирларига муносиб тайёргарлик кўрилди. Янги мактаб бинолари, мактабгача таълим ташкилотлари қуриб битказилди. Жорий қурилиш-бунёдкорлик жараёнларининг сифатли амалга оширилишида Бухоро вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоасининг алоҳида ўрни бор.**

Инспекция ходимлари томонидан қурилиш жараёнларида соҳага замонавий технологияларни киритиш масалалари доимий кун тартибида бўлиб, бу борада инспекторлар, мутахассислар ва қурувчиларга "Қурилиш назорати" ахборот тизими тўғрисида семинар-тренинг шаклида доимий тушунтиришлар берилмоқда. Бу ҳаракатлар амалга оширилаётган йирик қурилиш жараёнларининг сифатини назорат қилишда инспекция ходимлари учун қулайликлар туғдирмоқда.

– Яқинда инспекциямиз томонидан инспекторлар ва қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган буюртмачи, лойиҳачи, пудрат ташкилотлари ва тадбиркорлар иштирокида семинар ташкил этилди, – деди Бухоро вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси Неъмат Холов. – Учрашувда иштирокчилар билан "Buxoro city" қурилиш майдони ҳудудига чиқилиб, инспекторларнинг электрон кўрсатма бериши ва лойиҳачи, техник назоратчиларнинг аризани қабул қилган ҳолда жараённи ёпиш ишлари амалиётда синаб кўрилди. Бундай тадбирлар бинокорликда мутахассисларимизнинг замонавий технология ва электрон ахборот тизимларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, мазкур турдаги тадбирларда қурилишда назорат олиб боришнинг янги кўринишлари ҳақида йиғилганларга тушунтиришлар берилди. Бундан ташқари, инспекция мутахассислари иштирокида Мустақиллик байрами арафасида янги қуриб битказилган биноларнинг очилиш тадбирлари ўтказилмоқда.

"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори билан олиб борилаётган тадбирлар вилоятнинг кўплаб туманларида ижтимоий объектларнинг фойдаланишга топширилиш жараёнларига уланди. Хусусан, Вобкент туманида бу жараён кўтаринки руҳ билан давом эттирилмоқда. Бинобарин, туманнинг Ўзбакон маҳалласи ўқувчилари кўп йиллардан бери янги мактаб биносига эҳтиёж сезарди. Ҳозирда боғча типида қурилган эски мактаб биноси бутунлай янги қиёфа касб этди. Қуриб битказилган икки қаватдан иборат 330 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси маҳалла аҳли учун муносиб армуғон бўлди. Шунингдек, тумандаги Найман маҳалласида 940 ўринли мактаб ва спорт биноси мукаммал таъмирдан чиқарилди. Розмоз маҳалласи аҳолиси учун 90 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Албатта, қурилишлар ҳар бир ҳудуднинг кўркига кўрк қўшади. Ишларнинг сифатли, белгиланган қонун-қоидалар асосида бажарилиши қурилишда назоратни таъминловчи инспекторларнинг изчил текширувлари ортида амалга ошади. Чуқур амалиётга эга соҳа ходимлари эса бевосита қурилиш соҳасининг ривожланишига туртки бўлади.

# МЕНИНГ ВАТАНИМ






Бу борада кўп қаватли уйлар ҳамда муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилаётгани, келгуси беш йилда 250 мингдан зиёд оила замонавий қулайликларга эга бўлган уй-жойлар билан таъминланиши албатта барчамизни хурсанд қилади. Айниқса, аҳолини арзон ва сифатли турар жой билан таъминлаш дастурлари доирасида намунали кўп қаватли уйлар атрофида маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа масканлар барпо этилаётгани, "Обод қишлоқ" дастури бўйича 413 та маҳалланинг бош режаси ишлаб чиқилаётгани инсон ҳақидаги эътибор ва ғамхўрликнинг амалий намунасидир.

Бунёдкорлик ҳақида сўз борганда, қад ростлаётган, шаҳар-қишлоқларнинг кўркига кўрк қўшаётган, халқимиз корига хизмат кўрсатувчи иморатлар билан бир қаторда юртдошларимизнинг, айниқса, келажак авлоднинг маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қилиши кўзда тутилган иншоотлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз ўринлидир. Бундан 1 йил аввал, Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида Тошкент шаҳрида "Янги Ўзбекистон" боғи ва Мустақиллик монументи тантанали равишда очилганди.

Юртимизнинг барча гўшалари каби пойтахтда ҳам "Янги Ўзбекистон" боғини яратиш борасидаги ташаббус албатта, келажак авлодни юртни ардоқлаш, уни севиш туйғуларини кўнгилга жой этишга ундаши шубҳасиз. Пойтахтимиздаги "Янги Ўзбекистон" боғини яратиш тарихига назар соладиган бўлсак, унга 2021 йил 1 май куни илк кўчатлар экилган эди. Тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нуронийлар ва ёшлар билан маслаҳатлашиб, "Янги Ўзбекистон" мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратилди.

Агар юқоридан назар ташланса, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шохига ўхшайди. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади. Бу гўзал боғда пойтахтимиз аҳолиси, барча ҳудудларимиз ва хориждан келадиган меҳмонлар яйраб дам олиши, оиласи, фарзандлари билан бирга мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилди. Сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фавворалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ҳунармандчилик дўконлари ташкил этилди. Боғнинг марказий қисмида муҳташам бадиий обида – Мустақиллик монументи барпо этилди.

Маълумки, эл-юртимиз ўз ўтмиши давомида шонли воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Мустақиллик монументида булар бадиий акс эттирилган. Мажмуада буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ҳамда мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймолари акс эттирилган. Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонати таъсирчан лавҳаларда ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни – учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир. Унда миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг мовий гумбази, юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир боболаримизнинг энг нодир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шукуҳи билан кўз олдимизда намоён бўлиб турибди. Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, кўкда мағрур парвоз қилаётган Ҳумо қуши тасвири монументнинг энг юқори қисмида – бамисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллаган.

**"Мустақиллик монументи она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади. Монумент пойига битилган: "Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда", деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади"**, деганди юрт етакчиси Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон" боғи ва Мустақиллик монументининг очилиш маросимида.

Бугунги кунда ушбу маскан халқимиз ардоғидаги қадамжолардан бирига айланиб улгурди. Юртимизга келаётган юқори мартабали меҳмонлар ўз ташрифларини айнан Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйишдан бошлашларининг ҳам рамзий маъноси бор.

Яқинда Самарқанд шаҳрида бунёд этилган "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказининг очилиши миллионлаб юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини янада юксалтирди.

**"Буюк ипак йўли" мажмуаси Ўзбекистоннинг дунёга кенг очилаётган яна бир дарвозаси, десак, айни ҳақиқат бўлади", деди мажмуанинг очилиш маросимидаги нутқида Президентимиз.**

2019 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан катта амбицияли лойиҳа бошланди – Самарқанд туманидаги эшкак эшиш канали бўйида, 212 гектар майдонда улкан мажмуа қуришга киришилди. Аввало, тажрибали меъмор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоа жалб этилиб, пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу ерга бир неча марта келиб, қурилишни миллий меъморчилик анъаналаримиз ва одамларга қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш бўйича тавсиялар берди. Бунёдкорлик ишларида малакали қурувчиларимиз билан бирга Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етук мутахассислари иштирок этишди.

Ушбу янги кўркам мажмуага **"Буюк ипак йўли"** деб ном берилгани замирида чуқур маъно бор: асрлар давомида Хитойнинг қадимий Сиан шаҳридан бошланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳудудидан ўтган ва кўҳна Римга қадар етиб борган бу улкан савдо йўли жаҳон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий мулоқот воситаси бўлиб келган. Азим Самарқанд эса, Буюк ипак йўлининг асосий манзилларидан бири бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.

"Боқий шаҳар" мажмуаси, унинг теварагидаги катта майдонни эгаллаган, энг замонавий талабларга жавоб берадиган кўркам бинолар, Улуғбек астрономия мактаби вакилларининг тадқиқотлари натижаси бўлган буюк мерос – "Зижи жадиди Кўрагоний" тимсолидаги кўркам амфитеатр, қадимий Самарқанднинг бетакрор қиёфасини гавдалантирган обидалар, муаззам туризм маркази, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз номидаги меҳмонхона, янги "Samarqand city" манзаралари ҳар қандай кишини ҳайратлантиради, ҳаяжонга солади. Шубҳасиз, буларнинг бари яна ўз мавқеига қайтаётган, халқимизнинг буюк тарихи ҳамда бугунги фаровон замонни ўзида уйғунлаштирган Самарқанд дунёдаги энг қадимий, энг гўзал ва обод шаҳар, "Ер юзининг сайқали" сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Бу кўп тармоқли марказ таркибида 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, "Боқий шаҳар" мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлар бор. У йилига 2 миллион туристга хизмат кўрсатиши мумкин. Бу ерда қадимий бозор, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос 40 та ҳунармандчилик устахонаси ташкил этилган. Унда усталар ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш каби жараёнларини сайёҳларга намойиш этади.

Шуни ҳисобга олиб, янги марказдаги биноларда Буюк ипак йўли даврига оид тарихий манзаралар ҳам акс эттирилди. Масалан, "Боқий шаҳар" мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилди. Шу сабабли ана шу давлатларнинг элчилари ва хорижий сайёҳлар ҳам ушбу тасвирлар билан танишиб, ўз юртлари тарихини шу ерда кўргандек бўлишади.

Мажмуадаги замонавий меҳмонхоналар ва Конгресс холл йирик анжуманлар ўтказиш учун ҳам шароит яратади. Яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви каби нуфузли халқаро тадбирлар шу ерда бўлиб ўтади. Келгуси йилда эса қадимий шаҳримизда Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарув Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ҳам ўтказилади.

Президентимиз бу каби лойиҳаларни Бухоро шаҳрида, юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга ошириш режалаштирилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Зотан, бунёд этилаётган мана шундай улуғвор обидалар, осмонўпар бинолар ҳамда аҳоли учун барча қулайликларга эга "Янги Ўзбекистон" массивлари ватандошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу ғояларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодасидир.

Тарихий қадамжоларни тиклаш, янгиларини барпо этиш билан бир қаторда, кейинги йилларда замон талабига жавоб берувчи турли кўринишдаги марказларнинг қад ростлаётгани юртимиз ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашига замин яратмоқда. Қутлуғ байрам арафасида кўплаб ана шундай иншоотлар қатори пойтахтимизда бунёд этилган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида қурилган янги бинолар ҳам фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур мажмуа қурилишига 2019 йил 20 ноябрда тамал тоши қўйиб, ўтган йили декабрда бунёдкорлик ишларини кўздан кечирган эди. Бугунги кунда 20, 22, 25 қаватли бинолар ва конференция зали қуриб битказилди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки бу борада етакчи. У биринчи бўлиб икки қаватли бинода очилган эди. Бугунги кунда осмонўпар, муҳташам мажмуага айланди. Ушбу IT-паркнинг резидентлари, хизматлар тури ҳам кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг 6 ойида улар томонидан 53 миллион долларлик хизматлар экспорт қилинган. Йил якунигача бу кўрсаткич 100 миллион доллардан ошиши кутилмоқда. Аҳамиятлиси, мазкур иншоотлар муаллифлик технологиясига асосланган янги турдаги қурилиш конструкцияси асосида қурилмоқда. Юқори сейсмик чидамлиликка эга. Ҳар бир бино видеокузатув тизими ҳамда юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари билан жиҳозланган.

Замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Янги авлод – янги Ўзбекистон авлоди етишиб келмоқда. У кечаги куннинг замондан ортда қолган билимларини эмас, бугуннинг энг янги билимларини ўзлаштираётган ёшлардир. Янги ўқув масканлари, тиббий масканлар, йўллар, хиёбонлар, транспорт ечимлари, сўнгги ютуқларга асосланган қурилишлар – барчаси халқ фаровонлигига йўналтирилган бўлиб, ислоҳотларнинг пировард натижаси инсон қадр-қимматининг улуғланишига қаратилган. Бундай эзгу ва хайрли ишлар янги Ўзбекистон дунёда ўз анъаналари, меҳнатсевар кишилари ва янгиликка интилувчи мутахассислари билан ўз улуғвор мақсадлари сари азму шижоат билан илгарилаб бораётганининг ёрқин мисолларидир.


Ўз эркимизга эга бўлган кун,
31 йиллик байрам муборак бўлсин
азиз юртимиз бунёдкорлари.
Юзингиздан нур аримасин, меҳнатингизни
роҳатини кўринг.
Келаси шу кунларга етиб юриш
барчангизга насиб этсин.
«O'ZSHAHARSOZLIK LITI»
давлат унитар корхонаси жамоаси


31
Амир Темур бобомиз айтганидай
"Кимлигимизни билмоқчи бўлсангиз
биз қурган биноларга боқинг!".
Буюклигимизни бутун оламга
таратаётган қадрли ҳамкасблар,
юртимизнинг мустақиллик байрами
барчангизга муборак бўлсин!
«O'zGASHKLITI» DUK


"Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK
va uning filiallari
31
MUSTAQILLIK
BAYRAMINGIZ
MUBORAK BO'LSIN

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№ 72-73 (625-626) 2022 йил 1 сентябрь




## «TOSHTEMIRYO'LLOYIHA» МЧЖ жамоаси

*Қадри ва қадди баланд юртдошларимизни ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги билан муборакбод этамиз.*

*Равон йўллар ва обод кўчалар доимо сизларни энг гўзал манзиллар сари етакласин!*

*Юртимиз равнақи, тинчлиги ва фаровонлигига асло кўз тегмасин!*

## «TASHGIPROGOR» АЖ жамоаси

Бугун ватанимиз озодликка эришганига, ўз тақдирини ўзи белгилаганига 31 йил тўлди. Тинчлик-омонлик, файз-у барака Ўзбекистонимизни ҳеч ҳам тарк этмасин.
Байрам муборак бўлсин, азизлар!



## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

Минг йилликларга гувоҳ бўлган муқаддас юртимиз бугун истиқлол шабадаси туфайли янги ва замонавий қиёфада дунёга юз тутмоқда. Бу йўлда заҳматкаш бунёдкорларнинг ҳиссаси катта.

31

*Юртимиз мустақиллиги барча ватандошларимизга муборак бўлсин!*


СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси жамоаси
Ватанимиз мустақиллигининг
31 йиллиги
билан барча юртдошларимизни табриклайди.
Озод ва обод юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишдан асло толманг, азиз бунёдкорлар.
Оилангизга тинчлик, юртимизга фаровонлик ва ўзингизга саломатлик тилайди.


ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси жамоаси
Жаннатмонанд юртимизнинг гавҳари ҳисобланган сўлим Фарғона замини ҳам бугун ўзгача қиёфада қайтадан чирой очмоқда. Бу гўзалликнинг яратувчилари – азиз бунёдкорларни истиқлолнинг
31 йиллик
айёми билан муборакбод этади. Ватанимиз кўркига кўрк қўшишда сизларга улкан куч-ғайрат ва азму шижоат ёр бўлсин!
31

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№ 72-73 (625-626) 2022 йил 1 сентябрь










# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## Сентябрь ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлиги юрисконсульти **Аскар Палымбетов,** Қўнғирот тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Коптилеу Атамуратов,**

Андижон вилояти, Избоскан тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Муҳаммадзоҳид Бакиров,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларни техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиғи **Шоҳрух Солиев,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҳайдовчиси **Улуғбек Турдиев,**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси Архитектура-режалаштириш бюроси бошлиғи ўринбосари **Гулмира Ҳамидова,** Жомбой тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Зоҳиджон Турдиев,** Пахтачи тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Санжар Қиличев,**

Хоразм вилояти қурилиш бошқармаси Туман архитектура ва қурилиш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси бошлиғи **Шерзод Аметов,** Урганч шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Миржалол Салаев,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали директори **Дўсмурод Норбаев,** Оҳангарон шаҳар объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Азамат Исмоилов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# Қурилишлар тараққиётнинг асосига айланмоқда

**Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,**
журналист.

**Тошкентнинг бугунги шамойили ўтмишидан салобатли, ҳозирги янгиланишлари эртасидан даракдир. Яқинда Қурилиш вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган пресс-тур жараёни бунинг исботи бўлди. Иштирокчилар мустақиллик шодиёналари арафасида фойдаланишга топширилган Тошкент архитектура-қурилиш институти, Қурилишда стандартлаштириш республика марказининг комплекс синов лабораторияси ва Мирзо Улуғбек туманида қад ростлаган IT-паркнинг янги биноларини бориб кўришди.**







### ЗАМОНГА ҲАМНАФАС ИНСТИТУТ БИНОСИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий ўқув юртларининг реконструкцияси ва моддий-техник базасини янгилашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу ўринда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ҳақиқий меъморчилик анъаналари уфурган янги ўқув биноларининг фойдаланишга топширилиши катта воқелик бўлди. Шунга монанд, пресс-тур қатнашчиларининг дастлабки манзили ана шу жой бўлди. Институт биноси миллий қиёфада қад ростлаган, бежирим устунлари, бинонинг том қисми шарқона кўринишда бўлса, ички ўқув корпуси, талабалар турар жойи замонавий қулайликларга эга экани билан ажралиб туради.

– Президентимизнинг тегишли қарори асосида қуриш ишларини олиб бориш учун майдон ажратилиб, ишлар бошланганди, – деди Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Молия-қурилиш ишлари бўйича проректори Асадулла Иргашев. – Босқичма-босқич қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда, бош бино, 2 500 нафар талабага мўлжалланган ўқув биноси, 1 500 ўринли қўшимча ўқув биноси, ошхона, ёпиқ ва очиқ спорт майдончалари ташкил этилди. Талабаларга қулайлик яратиш мақсадида институт ҳудудида 396 ўринли талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди. Айтиш керакки, 1,6 миллион АҚШ долларилик жиҳозлар билан таъминланган лаборатория хоналари ўқитувчи ва талабаларга қулайликлар яратади. Шунингдек, институтнинг қўшимча биноларига ҳам ўқув-лаборатория хоналари жойлаштирилиб, ходимлар ихтиёрига топширилади.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2020 йилдаги мазкур олий ўқув юрти биноларининг қурилиши билан танишуви давомида таклифлар берилган эди. Ўтган вақтда улкан бинолар қад ростлаб, талабаларни қабул қила бошлади.

Институт биноларини кўрииш жараёнида янги замонавий технологиялардан унумли фойдаланилгани яққол кўриниб турибди. Кенг қамровли лаборатория хоналарида темир арматураларнинг чидамлилигини, бетоннинг бардошлилигини аниқловчи илмий текширув мосламаларининг турфа шакллари ўрнатилган. Лабораториянинг Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлик кафедрасида иш олиб бораётган бўлажак илмий ходимлар ва ўқитувчилар диққатни тортди. Уларнинг иш жараёнини кўриб, миллий қурилиш соҳасининг умидбахш келажагини кўргандек бўлади, киши.

– Қурилиш механикаси, материаллар қурилиши фанидан дарс ўтаман, – деди ўқитувчилардан бири. – Янги лабораторияда машғулотларни амалиётда олиб бориш учун барча шароитлар мавжуд. Илгари бундай қулайликлар бўлмагани сабабли тажриба ишларини бошқа лабораторияларда синовдан ўтказишга мажбур бўлардик.

### БОШ РЕЖАЛАР – ТАРТИБЛИ ШАҲАРНИНГ АСОСИ

Пресс-тур иштирокчилари “ToshkentboshplanLITI” жамоаси билан танишиб, шаҳарсозлик ва урбанизация масалалари бўйича олиб борилаётган ҳаракатлар тўғрисида маълумот олишди, бош режаларни ишлаб чиқиш жараёни ва макетлар, институт масъуллари туркиялик мутахассислар билан Тошкент шаҳрининг Бош режасини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик ишлари билан танишилди.

– Биз бу жойни ҳаёт лабораторияси деб атадик. Боиси, илғор технологиялар айнан шу ерда ҳаётга татбиқ этилади. Ҳозирда ўзбек мутахассислари билан бир қаторда, германиялик ва голландиялик экспертлар билан ҳам ҳамкорлик қиляпмиз. Тошкентни архитектуравий жиҳатдан ривожлантиришда унинг ўзига хос маданияти ҳам инобатга олинади. Шу кунларда “ToshkentboshplanLITI”да ишларимиз қизғин босқичга чиққан. Режаларимиз мутасаддиларга маъқул бўлганидан мамнунмиз. Бу ерда шаҳар ренесансини яратамиз. Ана шу жараёнларда ўзбекистонлик ёш салоҳиятли мутахассислар билан бир сафда меҳнат қилаётганимиз эътиборга молик. Тошкент шаҳрини лойиҳавий жиҳатдан такомилига етказишда аввало, экологик жиҳатга катта эътибор қаратилмоқда. Қулайлик ва хавфсизлик ҳам бирламчи масала. Ўзбек қурувчи дизайнерлари билан Тошкентни турли рангларда кашф қиламиз, – деди туркиялик урбанист.

“Ақлли шаҳар” тушунчасига ёндашувлар хилма-хил, бироқ у доим технологиялар билан бойитилган аҳоли яшаш пунктини англатади. Бундай технологияларнинг моҳияти тушунарли – қурилмалар ўзаро алоқада ташқи олам билан инсон иштирокисиз, аммо унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилади. Унинг мақсади – шаҳарликлар ҳаётини қулайроқ ва хавфсизроқ қилиш, шунингдек, шаҳар молия маблағлари ва ҳудудини тежашдан иборат. Келажакнинг идеал ақлли шаҳрида ҳар бир қадамда аҳолини технологиялар кутиб олади. Улар ягона экотизимни ҳосил қилади ва инсон ҳаётининг барча жиҳатлари учун жавоб беради.

### IT-ПАРК – МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИЯ МАРКАЗИ БЎЛАДИ

Пресс-турнинг кейинги манзили Мирзо Улуғбек туманидаги IT-паркнинг янги бинолари бўлди. Айтиш ўринлики, техно паркнинг бинолари 1 МВт қуёш электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга технология билан таъминланган бўлиб, иншоотлар самарадорлигини баҳолаш бўйича халқаро “яшил” стандарт – “Бреeам” сертификатига эга.

Жорий қурилишларнинг кейинги даврида босқичма-босқич 15 дан ортиқ иншоот, жумладан, 20, 25 қаватли офис бинолари, 22 қаватли меҳмонхона, университет, конференция зали, коворкинг маркази ва бошқа объектлар барпо этилади. Бинолар 9 баллдан юқори зилзилага чидамли бўлади. Қурилишнинг умумий ер майдони – 356 000 квадрат метр бўлиб, уч қаватли ер ости автотураргоҳига эга. Мазкур автотураргоҳ сиғими – 3 000 та автомобилга мўлжалланган бўлиб, биноларнинг уч қаватдан иборат цокол қисмидан ўрин олган.

– Ҳозирги пайтда IT-парк лойиҳасининг 2 лотида қурилиш ишлари тугалланди, – деди ҳудуд техник назоратчиси Алибек Жабборов. – Мазкур лотлардаги дастлабки икки бинонинг қурилиши тугалланиб, айрим қисмлари фойдаланишга топшириляпти. Бу бинолар маълум ташкилотлар учун офис ва хизмат кўрсатиш марказлари ўрнида фойдаланишга мўлжалланган. Айтиш керакки, иншоотларнинг ҳар бирида тўрттадан лифт, цокол қисмида автотураргоҳ фаолияти йўлга қўйилган. Сўнгги йилларда қурилаётган биноларнинг қувват сарфи доимий эътиборда бўлиб, улар хавфсизликни ошириш мақсадида ёнғин ҳолатлари учун автоматик ўт ўчириш тизими билан таъминланган.

### ҚУРИЛИШДА ЛАБОРАТОРИЯЛАР НЕГА КЕРАК?

Бугунги кунда қурилиш жараёнларида қурилиш материалларининг сифат даражасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўсиб бораётган қурилишларда фойдаланилаётган маҳсулотларнинг самарадорлигини таъминлайди. Иштирокчиларнинг Қурилишда стандартлаштириш республика маркази тизимидаги комплекс синов лабораториясига ташрифи чоғида мазкур масалалар юзасидан мутасаддилар томонидан тушунтиришлар берилди.

Лабораторияда 200 дан ортиқ синов-тажриба амалиётларини бажариш учун қулай имкониятлар яратилган. Янги қиёфада қад ростлаган марказ замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Қурилиш объектларини таъмирлаш, қурилиш материаллари, конструкциялар, ускуналар, машина ва механизмларни тизимлашган рўйхати, яъни қурилиш ресурслари классификаторини тўғри ва мукаммал юритиб бориш лозимлиги боис мазкур комплекс лаборатория ҳам айнан ушбу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Бу ердаги ҳар бир жараён реал вақт режимида таҳлил қилинади, изланишлар олиб борилиб, инновациялар ҳаёт юзини кўради. Бунда эса аналоги кам учрайдиган, юқори технологик имконият ва аниқликка эга лаборатор ускуналарнинг аҳамияти катта. Ҳозирда мазкур лаборатория имкониятларидан Ислом цивилизацияси маркази қурилишларида фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда қурилиш саноатнинг ажралмас бўлагига айланди. Йирик бунёдкорлик жараёнлари амалда ўлкамизнинг иқтисодий томондан изчил ривожланиб бораётганидан даракдир. Мазкур тадбир давомида йиғилганлар бунга ишонч ҳосил қилишди. Шунингдек, иштирокчилар қурилиш соҳаси мутасаддиларидан соҳада амалга оширилиши кўзланган режалар, амалий ҳаракатлар ва лойиҳалар тўғрисида маълумотлар олишди.

# 31 йилликка 31 янги маҳалла биноси қурилди

**Ватанимиз мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами арафасида Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида ўттиздан ортиқ янги маҳалла бинолари фойдаланишга топширилмоқда.**

Жумладан, Самарқанд шаҳри, Пахтачи, Пайариқ, Нуробод туманларида 15 маҳалла фуқаролар йиғини ўз янги биноларига эга бўлди.

Нуробод туманида маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан Булоқбоши, Қўрғонча ва Юксалиш маҳаллалари учун ҳар томонлама қулай бўлган бинолар қурилди.

Маҳаллий бюджетнинг 120 миллион сўмлик маблағлари, ҳомийлар ёрдами ва ҳашар йўли билан бунёд этилган “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини марказида ҳудудда яшовчи 6 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатиш учун қулай шароит яратилди.

Намунавий лойиҳа асосида қурилган бино зарур мебель, компьютер жиҳозлари ва бошқа воситалар билан таъминланган.

– Йил бошидан буён вилоятимизда юздан ортиқ янги маҳалла бинолари фойдаланишга топширилди, – деди Самарқанд вилояти маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи И. Жабборов ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасановга. – Август ойининг ўзида Мустақиллик байрами муносабати билан 31 та янги маҳалла бинолари очилмоқда. Бу, албатта, фуқаролар йиғини ва маҳалла аҳолиси учун катта қулайлик яратади.

# Янгиланаётган истироҳат боғи

**Элёр ҲАЙДАРОВ,**
журналист.

**Аҳоли ҳордиқ чиқариши учун истироҳат боғлари доимо керак. Улар қанчалик кўп ва яшилликка бой бўлса, шунча яхши. Экологик муаммоларни бартараф этиш ва қарши курашиш учун ҳам боғларимиз ҳудудлари кенгайиши ва таъмирланиши айни муддао.**

Чилонзор туманидаги Ғафур Ғулом боғида ҳам реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Унинг ҳудудидаги барча қурилиш-таъмирлаш ишлари “BMP Smart Decision” корхонаси зиммасига юклатилган бўлиб, лойиҳа бўйича умумий қиймати 10 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган.

Боғ ҳудудида 9 минг туп ёш ва турли хилдаги дарахтлар мавжуд бўлиб, уларнинг бирортасига қурилишлар жараёнида зарар етказилмайди. Аксинча, янги дарахт кўчатлари экилади. Суғориш тизими ҳам икки босқичда, яъни ёмғирлатиб ва томчилатиб суғоришга асосланади. Бу эса, яшилликни доимо сақлаб, сувни тежашга имкон беради.

Боғнинг бир қисмида эса қариялар учун замонавий “Оталар чойхонаси” ҳам қурилади. Ғафур Ғулом боғи янгича кўринишда қурилиб, яқин кунлар ичида аҳоли хизматига топширилади.

# Перинатал марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди

**Андижонда вилоят Перинатал марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**



Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик тўйи арафасида бўлиб ўтган тадбирда шифокорлар, меҳнат фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Марказнинг янги биноси очилишига бағишланган тадбирда сўз олган Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов ва бошқалар томонидан мамлакатимизда, хусусан, Андижон вилоятида ҳомиладор аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, бехатар оналикни таъминлаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда Андижон вилоятида 3 миллион 200 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ҳар йили қарийб 85 минг нафарга яқин чақалоқ дунёга келади. Ҳомиладор аёлларга, чақалоқларга туғруқ вақтида алоҳида эътибор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш муҳим. Ана шундан келиб чиқиб мазкур йўналишда эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

– Президентимизнинг 2022 йил 25 апрелдаги “2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”-ги қарорида республика бўйича 227 та туғруқ комплекси ва 46 та туманлараро перинатал марказлари тўлиқ қурилиши ва таъмирланиши, 2022-2025 йилларда 227 та туғруқ комплекси ва 46 та туманлараро перинатал марказни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг 105 миллион долларлик грант ва кредит маблағлари жалб қилиниши белгиланган, – деди вилоят Перинатал маркази раҳбари Дилдорахон Насриддинова ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаевга. – Жумладан, марказимиз янги биносининг қурилиб, фойдаланишга топширилгани ҳам мазкур қарор ижроси доирасида амалга оширилган ишлардан биридир.

Замонавий, 100 ўринга мўлжалланган марказнинг қурилиши ва жиҳозланиши учун 21,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Марказда қабулхона, 60 ўринли ҳомиладорлар хасталиги, 30 ўринли касалликка мойил чақалоқлар ҳамда 12 ўринли чақалоқлар реанимацияси бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, Андижон давлат тиббиёт институти талабалари учун амалиёт хоналари ажратилди. Фойдаланишга топширилган янги бинода ҳомиладор аёллар, янги туғилган чақалоқлар, қолаверса, тиббиёт ходимларининг самарали иш олиб боришлари учун жаҳон андозалари даражасида барча шароит яратилган.

Марказда 250 нафардан зиёд малакали тиббиёт ходимлари иш олиб боради. Улар марказга ташриф буюрган ҳомиладор аёллар саломатлигини назорат қилади, даволайди ҳамда янги туғилган чақалоқларга сифатли доялик ёрдамини кўрсатади. Авваллари агар янги туғилган чақалоқда касаллик аниқланса, даволаш учун бошқа шифохоналарга юборилар эди. Эндиликда касаллик аниқланган чақалоқлар шу ернинг ўзида даволанади.

Келгусида Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Пахтаобод, Қўрғонтепа ва Баликчи туманларида ҳам Перинатал марказлари ташкил этилади.

## Республика Узбекистан

**получила кредит от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерена использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на выполнение проектно-изыскательных работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по следующим объектам:**

| № пакета | Наименование объектов | Расчетная стоимость услуг |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-CS-24 | Щебневание внутренних дорог в МСГ “Бобоюрт” (5 км) имени Мукими (11 км), “Янгибустон” (5,16 км) имени Амира Темура (3,6 км) и оснащение уличным освещением пешеходного тротуара в МСГ “Озодлик” (0,9 км) Баяутского района Сырдарьинской области | 209,630 млн сум |
| MOEI-RIDP-SYR-CS-25 | Строительство пешеходного моста в МСГ “Юксалиш” и реконструкция автомоста в МСГ “Дустлик” Баяутского района Сырдарьинской области | 30,000 млн сум |
| MOEI-RIDP-SYR-CS-26 | Строительство стадиона с искусственным покрытием на территории школы №16 в МСГ “Пахтакор”, школы №27 в МСГ “Бунедкор”, школы №44 Баявутского района и школы №27 в МСГ “Кахрамон” Хавастского района Сырдарьинской области | 130,000 млн сум |
| MOEI-RIDP-SYR-CS-27 | Реконструкция здания школы №26 МСГ “Дустлик” (120 дополнительных мест) и строительство школьной столовой (80 мест) для школы №21 в МСГ имени Амира Темура Баяутского района Сырдарьинской области | 220,000 млн сум |
| MOEI-RIDP-SYR-CS-28 | Капитальный ремонт здания школы №20 в МСГ “Ифтихор” Баяутского района Сырдарьинской области | 100,000 млн сум |
| MOEI-RIDP-SYR-CS-29 | Реконструкция ДОУ №12 (140 мест) в МСГ “Бобоюрт” и ДОУ №18 (140 мест) в МСГ имени Мукими Баяутского района Сырдарьинской области | 310,000 млн сум |
| MOEI-RIDP-SYR-CS-30 | Электроснабжение в МСГ “Бирлашган” (10 км линий электропередач) Сардобинского района и в МСГ “Бобоюрт” (2 ТП) Баяутского района Сырдарьинской области | 53,200 млн сум |
| MOEI-RIDP-SYR-CS-31 | Щебневание внутренних дорог в МСГ “Кайирма” (11 км) Хавастского района Сырдарьинской области | 74,250 млн сум |

### Инжиниринговая компания “Служба единого заказчика” при Сырдарьинском областном хокимияте (далее именуемый “Заказчик”)

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые (однопакетные) предложения по выполнению проектно-изыскательных работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по вышеназванным объектам.

Более подробная информация об услугах приведена в Техническом задании.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию и тендерную документацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Сырдарьинской области до 23 сентября 2022 г.

**Предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по следующему адресу:** Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж) не позднее 16.00, 23 сентября 2022 г.

**Подача предложений:**

а) Заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;

b) крайний срок подачи заявок – 23.09.2022 года, 16.00;

c) **адрес для подачи заявок:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве, Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж). **Тел.:** 67-227-64-48. **E-mail:** tender-12@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** Сангиров Алишер.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени.

Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№ 72-73 (625-626) 2022 йил 1 сентябрь

# Шукроналик



**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ёзнинг жазирамасида мақола ёзиш учун бир қурилиш ташкилотига бордим. Эрталабдан кун ёндиряпти. Қўлимда дўкондан ҳозиргина олган муздек сув. Ўзимча ичимда ёзғираман: “Шу иссиқда мақола ёзишга боришим шартмиди?”. Объектга кирибоқ салқин жой қидиришга тушдим. Жилдираб сув оқиб турган арикча тепасидаги дарахт соясига ўзимни урдим.**

Ҳартугул, ҳаёт бор экан-ку. Сал ўзимга келиб олгач, қаҳрамонларимни қидиришга тушдим. Янги қурилаётган бино билан танишар эканман, том устида чумолидек тиним билмасдан ғимирлаб ишлаётган қурувчиларга кўзим тушди. Уларнинг шу иссиқда ўз иши билан астойдил машғуллигини кўриб, бироз аввал нолиганим учун ўзимдан уялиб кетдим. Орасида ёши улуғ кишилар ҳам бор. Бир соатча кузатган бўлсам, ишчилар ҳатто бир дақиқа ҳам дам олишмади, соя жой ҳам қидиришмади.

Шунда ич-ичимдан ўзимнинг салқин ва барча шароити бор хонада ишлашимга шукр қилдим.

Жазирамада иссиқдан қочсак, қишда совуқдан нолишни бошлаймиз. Қишнинг изғирин ёки ёғин-сочинли кунлари ишхонага етиб боргунча доим бир манзарага дуч келардим. Фаррош аёллар гўёки совуқни писанд қилмасдан, муздек сувга қўлини тиқиб, мармар зинаю, ўриндиқларни эринмасдан артаётган бўлади. Бир тарафдан уларга раҳмим келса, бошқа томондан ҳалол меҳнат қиляптику, деб қўяман. Менинг хаёлимда эса битта фикр: тезроқ иссиққина хонага кирсаму, қайноқ қаҳвани ҳўплаб мақоламни ёзсам. Шундай совуқда кўчада ишлаётган хотин-қизларни кўриб, “Ота-онам яхшиям мени олий маълумотли кадр қилиб етиштирган экан. Бўлмаса, қишда иссиқ, ёзда салқин хонада, тоза-озода шароитда ишлаш насиб этмасмиди?” дея, шукрона келтираман.

Яширмайман, баъзан кенг ваданғиллама ҳовлида яшаётганларга ҳавас қиламан. Ўзимнинг икки хонали уйим кўзимга тор-танқис бўлиб кўринади. “Қачон мен ҳам одамга ўхшаб 3-4 хонали уйда яшарканман?” дея яна нолийман. Бир куни уйимиз яқинидаги ахлат ташлайдиган жойнинг тўсатдан бошқа жойга кўчганини кўриб ҳайрон бўлдим. Кичкина ва енгил конструкцияли материалдан омонатгина қурилган уйчада ўзим тенги бир жувон қизчаси билан яшаб, атрофни озода тутарди. Эртасига шу жувонни учратиб қолдим.

– Турган жойларингиз бузилиб кетибди, энди қаерда яшаяпсизлар?– деб сўрадим ундан.

– Ижарада турибмиз, лекин пулимиз бир ойлик ижара ҳақини тўлашга ҳам етмас экан. Кўчага ярашмаяпти деб, яшаб турган уйимизни бузиб ташлашди. Энди қаерда яшайман, билмайман...

Бошпанасиз аёлнинг маъюс нигоҳларига қарашга ботинолмадим. Эҳ, ношукр банда, дейдиган одам йўқ. “Ижара пулини қандай тўлайман ёки бугун кечаси қаерда ётаман” деган ўй мени хаёлимга ҳам келмаган. Шу тобда икки хонали уйим кўзимга жаннатдек кўриниб кетди. Уйим борлиги учун шукрона келтирдим.

Яқинда қўшни қиз шаҳар четидаги маҳаллага келин бўлиб тушди. Онасининг айтишича, қайнонаси кўчага сепиш учун сувни ўлчаб бераркан ёки умуман сув септирмас экан. Сабаби, улар томонда сув танқис бўлиб, аҳоли узоқ жойдан ташиб келар ёки пулга сотиб олар экан. Шу боис, бир челак сув улар учун жуда қадрли. Буни эшитиб, сув сероб жойда яшаётганим, истаганимча ишлата олишим мумкинлиги учун шукрона айтдим.

Ёнимиздаги уйга янги қўшни кўчиб келди. Беш ёшли фарзанди туғма ногирон экан. Бурнига нафас олиш учун махсус мослама уланган ҳолатида онаси доимо қўлида кўтариб юришга мажбур. Воз кечай деса кечолмайди, ўзининг дилбанди. Соғайиб кетишига эса умуман умид йўқ. Шу дамда фарзандларим борлиги, тўрт мучаси соғлиги учун шукрона келтирдим.

Меҳнат таътилида уйимизни таъмирлатдик. Икки ҳафта қандай яшаганим ўзимга маълум. Шу вақт оралиғида илгари қадрламаган нарсаларимнинг барчасини қадрига етдим. Ремонтдан кейин уй ишларини ўзгача завқ ва мароқ билан бажаришга киришганимни кўриб, оила аъзоларим ҳам хурсанд. Мен эса ич-ичимдан шундай ҳаётда яшаётганимга шукрона айтдим.

Интернетда уруш бўлаётган давлатларда олинган суратларга кўзим тушиб қолди. Отасининг урушдан тирик қайтгани учун қизалоқ еру кўкка сиғмай қувоняпти. Аёли эса... соғинч, хавотир ва изтироб билан унга шундай термулиб турибдики, кўрган кишининг юраги эзилади.

Суратларга боқиб, хаёлимда фақат бир фикр чарх уради:

– Ўзингга минг шукр. Юртимиз доимо ҳозиргидек тинч ва осуда бўлсин!

Демак, шукр қилишда, шукрона келтиришда ҳам гап кўп экан. Агар бу туйғу бўлмаганида, билмадим одамзот аллақачон ҳасад ёки ношукрликдан адо бўлар эди. Нега дейсизми? Бизда мавжуд нарсалар кимлар учундир бир умрлик орзу бўлиши мумкинлигини ҳис қилишимиз билан дунё ҳою ҳаваслари учун типирчилаётган қалбимиз таскин топади. Мен ҳам бу тажрибани ўзлаштирганимга кўп бўлмади. Аммо анчагина фойдаси тегяпти. Нимадандир кўнглим тўлмай, сиқилишни бошласам, ён-атрофимда мендан аҳволи ёмонроқ кишиларга қараб шукр қилишни бошлайман. Шундай ҳаётда, шундай тинч ва осуда юртда яшаётганимга шукрона айтаман.

Мен Ватанимиз мустақилликка эришган даврларни кўп ҳам эслолмайман. Эндигина мактабга чиққан, орзулари оламга тенг қизалоқ эдим. Аммо ота-онам, бобо-бувиларимнинг илгари ундай эди, энди бундай бўлди деб икки даврни солиштирганига кўп гувоҳ бўлганман.

Мен учун эса ҳозирги даврдан аълоси йўқ. Мен юртимни борича севаман, у менга шу ҳолича қадрли.

Яқинда юртбошимиз тадбиркорлар билан учрашувида қизиқ ҳолат бўлди. Унда ёш тадбиркорлардан бири:

– Ҳурматли Президент, ҳаёт формулангизнинг сири нимада, бунча энергияни қаердан оласиз? – дея сўради. Шунда юртбошимиз:

– Бунда сир йўқ. Ватанни севиш керак! – деб жавоб қайтарди.

Демак, бажараётган ҳар бир ишимизни севишимиз, уни сидқидилдан амалга оширишимиз ҳам Ватанга бўлган муҳаббатнинг бир нишонаси экан, аслида.

Мустақил, обод ва озод диёрнинг бахтли фуқароси эканимга ШУКР!

## ФАРҒОНАДАН ДАРАКЛАР

## Тез орада яна бир фабрика ишга тушади

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Риштон туманининг М. Топволдиев номидаги МФЙ ҳудудидаги “Ruso‘zbekteks” хорижий қўшма корхонаси қошида ташкил этилаётган тўқимачилик корхонасида қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.**

1 100 нафар иш ўрнига эга бўладиган ушбу фабрикада момиқ сочиқ, чойшаб, халатлар, ип-калава ишлаб чиқариш режалаштирилган. Лойиҳа қиймати 37,5 млн АҚШ долларига тенг бўлган мазкур корхона қурилиши 2021-2022 йилларга мўлжалланган бўлиб, айни кунларда мажмуада сўнгги пардозлаш ишлари бажариляпти.

Ҳозирגача бош режага кўра, фабрика маъмурий биносининг усти ёпилди. 200 нафардан зиёд қурувчи объектни йил охиригача топшириш ниятида меҳнат қилмоқда. Қурилишда узилишлар бўлмаётгани сабабли барча объектларда иш бир маромда олиб боріляпти. Лойиҳага мувофиқ, тўқув ва тикув цехлари қурилиш-монтаж ишларининг 60-70 фоизи бажарилди.

Эътиборлиси, фабрика қурилиб ишга тушгач, туманда етиштирилган пахта ҳосили “Ruso‘zbekteks” хорижий қўшма корхонасида ип-калава қилиниб, янги фабрикага олиб келинади. Бу ерда эса мато тўқилиб, бўялади ва тайёр маҳсулотга айлантирилиб, мамлакат ички бозорига ва экспортга йўналтирилади. Шу орқали икки босқичда 700 нафар риштонлик ёшлар учун доимий иш ўрни яратилади.

Фабрика цехларига ўрнатиладиган энг сўнгги русумдаги автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган тўқув дастгоҳларининг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия, Германия, Италия, Бельгия, Франция, Туркия ва Ҳиндистон давлатларидан олиб келинади. Бу дастгоҳлар бир вақтнинг ўзида турли вазифаларни бажаради.

## Бешарикда туманлараро перинатал маркази








**Мустақиллик байрами арафасида Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлими негизида бир вақтнинг ўзида 145 нафар туғруқ ёшидаги аёллар учун хизмат кўрсатадиган туманлараро перинатал марказ фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда юртимизда ислоҳотлар барча соҳаларда, шу жумладан, тиббиётда ҳам амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этиб ўтдилар. Зеро, она ва бола саломатлигини таъминлаш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу маънода фойдаланишга топширилган ушбу маскан бу борада муҳим аҳамиятга эга. Марказ Бешариқ, Фурқат ва Ўзбекистон туманларида яшовчи, юқори малакали тиббий хизматга муҳтож ҳомиладор, туғувчи аёллар ва чақалоқларга тиббий хизмат кўрсатади.

Туғруқ комплексини реконструкция қилиш учун 750 млн сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, муассасанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳисобидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар, аппаратура ҳамда жиҳозлар келтирилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, жорий йилнинг 1 июлида вилоятнинг Қўқон шаҳри, Данғара, Бағдод ва Учкўприк туманларида яшовчи аёллар ва чақалоқларга перинатал хизмат кўрсатувчи Қўқон шаҳар перинатал маркази фойдаланишга топширилган эди. Марғилондаги туманлараро перинатал марказ ҳам шу йилнинг октябрь ойида хизмат кўрсатишни бошлайди.

## МФЙга янги бино

**Маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, азалий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда энг муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади.**




Ана шуни инобатга олган ва маҳалладан баҳоли-қудрат ёрдамини аямасликка аҳд қилган хусусий тадбиркор Дониёр Ҳасанов хайрли ишга қўл урди. Яъни, давлат-хусусий шериклик асосида Марғилон шаҳридаги “Туягум” маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриб, фойдаланишга топширди. Бинода меҳнат қиладиган ходимлар учун барча шароитлар яратилган.

Йил бошидан буён ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг аҳиллиги, бамаслаҳат иш юритиши туфайли кўплаб ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бажарилди. Хусусан, ҳудуддаги қишда лой, ёзда эса чанг ҳолга келиб қоладиган, аҳоли учун анчайин ноқулайликлар келтириб чиқараётган, таъмирталаб 8 та кўчага асфальт ёткизилди. Маҳалладаги барча аҳоли хонадонлари табиий газга қайта уланди, ичимлик суви тармоқлари тортилди.

## Гипсокартон ва металл профиллар ишлаб чиқарилади

**Фурқат туманига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича бундан уч йил аввал вилоят ҳокимлиги ва Хитой Халқ Республикасининг “Builjinq New Buildinq Materials Public Limited Company” компанияси ўртасида инвестиция келишуви имзоланган эди. Келишувга кўра, мазкур компания қиймати 30 млн АҚШ долларини ташкил этадиган гипсокортон ва металл профиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.**

Компания таъсисчилигида 2019 йилнинг 9 декабрида Хитойдаги “BNBM Buildinq Materials Central Asia” хорижий корхонаси туманда давлат рўйхатидан ўтказилди. Лойиҳани амалга ошириш учун эса “Қўқон” эркин иқтисодий зонасидан 36,9 гектар ер майдони ажратилди.

Ҳозирги кунда мазкур хорижий корхона томонидан қурилиш ишларини бошлаш ва ускуналар олиб келиш учун 15 млн АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Лойиҳа амалга оширилгач, 130 та янги иш ўрни яратилиши баробарида туман саноатининг ўсишига ҳам эришилади.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-943.
1858 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 5 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни –
Топширилди – 03.30.

1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2022 йил 9 сентябрь куни чиқади.